# Тошкент оқшоми

2012 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 29 (12.090)

Баҳоси эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





# БАШАРИЯТ ЭЪЗОЗИДАГИ ШОИР

***9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан буюк шоир номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида тантанали тадбир бўлиб ўтди.***

Маънавиятимизнинг шаклланиши, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақи, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли халқ сифатида жаҳонга танилишимизда улуғ шоир, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий ижодининг аҳамияти беқиёсдир. Миллий ифтихоримиз тимсолига айланган мўътабар зот таваллудининг 571 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида барпо этилган ушбу маскан бугун адабиёт ихлосмандлари билан гавжум. Улуғ бобомиз туғилган сана муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат намояндалари, маънавият ва таълим фидойилари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, навоийшунос олим ва таржимон Эргаш Очилов, адиб, Давлат мукофотининг соҳиби Омон Мухтор, ёш шоир Носиржон Жўраев буюк алломаларимизнинг бебаҳо маънавий меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, миллий адабиётимизни ривожлантириш, навқирон авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб камолга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида Ватанимиз пойтахтида Алишер Навоий номидаги файзли боғ ҳамда шоирнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Шаҳримиз марказида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Симпозиумлар саройидан иборат «Маърифат маркази»нинг муҳташам биноси бунёд этилди. Бобомизнинг ижодини ўрганиш, асарларини мукаммал тўплам ҳолида чоп этиш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк мутафаккир асарларидан иборат дастлаб йигирма жилдлик, сўнгра ўн жилдлик тўпламнинг нашр этилгани бу йўналишдаги эзгу ишларнинг яққол намунасидир.

Шоир асарларида улуғланган эзгу ғояларнинг бардавомлиги мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинган жорий йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларни қўллаб-қувватлаш, ота-онани эъзозлаш, ёшларга меҳр ва эътибор кўрсатиш сингари ибратли ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Тантанали тадбирда таъкидланганидек, бутун дунёда кенг ўқиб-ўрганилиб келинаётган шоир асарлари инсонпарварлик, тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, комил шахс тарбияси каби эзгу ғоялар билан йўғрилгани боис мангуликка дахлдордир. Алишер Навоий асарлари кўплаб тилларга таржима қилиниб, ижоди жаҳон олим ва тадқиқотчилари томонидан алоҳида эътибор билан ўрганилаётгани улуғ шоир даҳосига башариятнинг чексиз эҳтироми рамзидир. Зеро, сайёрамизда шиддатли глобаллашув жараёни, инсон онги ва тафаккури учун мислсиз курашлар кечаётган бугунги мураккаб шароитда Навоий мероси янада долзарб аҳамият касб этаётир.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг артистлари Дилноза Кубаева ва Феруз Бурҳонов буюк шоир асарларидан намуналар ўқиди.

Буюк шоир ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги «Шоирлар хиёбони»да ҳам Алишер Навоий таваллудига бағишланган адабий анжуман бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид, навоийшунос олим Азиз Қаюмов, Ўзбекистон Миллий университетининг профессори Нурбой Жабборов ва бошқалар ёш авлодни юксак маънавиятли, мустақил ва соғлом тафаккурли шахс этиб камолга етказишда, уларнинг онгу шуурига истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат, тарихимизга ҳурмат туйғусини чуқур сингдиришда Алишер Навоийнинг боқий мероси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Шу боис бобомиз ижоди мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим масканларида кенг ўрганилмоқда.

Тадбирда Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди. Ўқувчилар томонидан тайёрланган адабий-бадиий дастур намойиш этилди.

Бундай маърифий анжуманлар, мушоиралар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов 1990 йил 4 августда бўлиб ўтган юқори даражадаги йиғилишлардан бирида кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастурини яратишдек долзарб масалани кун тартибига қўйган эди.***

# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ САМАРАЛАРИ

Ўша оғир ва суронли йилларда, Ўзбекистон мураккаб иқтисодий-сиёсий муаммолар гирдобида турган бир пайтда давлатимиз раҳбари муаммодан чиқиш йўлини – юртимизнинг буюк келажагини кадрлар тайёрлаш тизимига боғлиқ тасаввур қилгани, шу мақсадда қабул қилинган ва изчил амалга оширилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бугун қандай ҳаётий самаралар бераётганини дунё жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби: истиқлол арафасида янги авлод кадрларни тайёрлаш концепцияси самаралари» мавзуида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва жасорати, қатъий саъй-ҳаракатлари билан Ватанимизнинг мустақилликка эришгани халқимизнинг энг катта тарихий ютуғи эканини алоҳида таъкидлади. Аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган, халқимиз учун энг улуғ, энг азиз қадриятга, барча эзгу мақсад ва ҳаракатларимиз, бунёдкорлик ишларимизнинг ҳаётбахш манбасига айланган бу бахтга эришиш ўз-ўзидан бўлмаган. Буларнинг барчасини теран англашда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби ишончли манба ва амалий қўлланмадир.

Таълим тизимида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида нафақат миллий кадрлар салоҳияти юксалди, балки 1,6 мингга яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, қарийб 10 мингта умумтаълим мактаби, 200 га яқин болалар мусиқа ва санъат мактаби замонавий талаблар асосида янгидан барпо этилди. 1 минг 200 дан зиёд болалар спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди ва жиҳозланди. Халқаро андозаларга жавоб берадиган олий ва ўрта махсус таълим, кадрлар малакасини ошириш тизими шакллантирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Олий бизнес мактаби тингловчиларининг «Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида» китобини таълим тизимида чуқур ўрганишнинг аҳамияти, раҳбар кадрлар масъулиятини оширишда асардан ибрат намунаси сифатида фойдаланишга оид маърузалари тингланди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари йиғилиши 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланди.**
- **Самарқандда Президентимизнинг шу йил 12 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига кўра, барча синовлардан муваффақиятли ўтган чақирилувчилардан бир гуруҳи муддатли ҳарбий хизматга кузатилди.**
- **«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган «Boeing – 767-300ER» ҳаво лайнери билан бойиди. У мазкур жамоанинг йигирма йиллик тўйига муносиб совға бўлди. Таъкидлаш жоизки, самолёт экологик талабларга тўлиқ жавоб бериши, шовқинни паст даражада ушлаши, салондаги қулайликлари ва ёқилғи тежамкорлиги билан дунё миқёсида тан олинган.**
- **Навоий вилояти «Тараққиёт» минтақавий тадқиқот марказининг «Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ислоҳотларни янада ривожлантиришда ёшларнинг иштироки ва масъулиятини ошириш» лойиҳаси доирасида тасвирий ва халқ амалий санъати бўйича кўргазма ташкил этилди.**
- **Сурхондарё вилояти Узун туманидаги «Оятулло-Амрулло» хусусий корхонасида йилига 4 минг квадрат метр ҳажмда алюмин эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологик линия ишга туширилди. Ҳозирда ўнга яқин киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари ҳудуддаги қурилиш ташкилотларига етказиб берилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

- **Жазоир президенти мамлакатда парламент сайловларини ўтказиш муддатининг 2012 йил 10 майга белгиланганлигини маълум қилди.**
- **Молдавия парламенти президент сайловларининг жорий йилнинг 16 февралда ўтказилишини белгилади.**
- **Греция касаба уюшмалари Европа Иттифоқи билан келишувда кўзда тутилганига биноан мамлакатда амалга оширилаётган янги кескин иқтисодий чораларга қарши бугундан бошлаб 48 соатлик иш ташлаш эълон қилди.**
- **Қаҳратон совуқ натижасида Голландияда сўнгги 15 йил ичида илк бор каналлар музлаб қолди. Бундай манзара Италиянинг Венеция ва Франциянинг Париж шаҳарларида ҳам кузатилмоқда. Ҳозирги кунга қадар Европада 500 га яқин киши қаҳратон курбонига айланган. Кўҳна қитъанинг айрим жойларида ҳаво ҳарорати - 39 даражагача пасайган.**
- **Мамлакатда ҳукм сураётган кескин совуқ ҳарорат боис Болгария электр энергиясини экспорт қилишни тўхтатди.**
- **Қишнинг ноодатий тарзда жуда қаттиқ келиши Россияда ҳам катта муаммоларни келтириб чиқарди. Хусусан, мамлакатда кучли қаҳратон натижасида уй-жой коммунал хўжалигида 64 та йирик авария юз берди.**
- **«Christie`s» савдо уйида америкалик кино юлдузи Элизабет Тейлор коллекциясида сақланаётган Ван Гогнинг «Сен-Ремидаги болалар уйида ва ибодатхона» деб номланган асари 10,1 миллион фунт стерлинг (16 миллион АҚШ доллари)га сотилди. Элизабетга бу суратни 1963 йилда отаси совға қилган эди.**
- **Европа Марказий банки еврохудудда иқтисодий аҳволнинг барқарорлашиши кузатилаётганини маълум қилди.**
- **Мобиль телефонлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган дунёга машхур «Nokia» корпорацияси Финляндия, Венгрия ҳамда Мексикада жойлашган заводларидаги иш ўринлари сонини тўрт мингтага қисқартиришга қарор қилди. Корпорация бу режаси орқали 2013 йил охирига қадар қарийб 1 миллиард евро тежаб қолишга эришади.**

***Малайзияда инглиз тилида чоп этиладиган «New Straits Times» газетаси саҳифасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон маҳобати» («Splendours of Uzbekistan») сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Ранг-баранг суратлар билан безатилган ушбу мақола малайзиялик журналист Залина Моҳд Сом қаламига мансуб бўлиб, унда муаллифнинг «Мега-инфо-тур» дастури доирасида Ўзбекистон бўйлаб ижодий сафари чоғида орттирган таассуротлари қаламга олинган.***

# «NEW STRAITS TIMES» ГАЗЕТАСИ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Залина Моҳд Сом ўз хотираларини газетхонлар билан ўртоқлашар экан, «Самарқанд, Бухоро, Хива ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига саёҳат – ўтмиш билан, қадимги Шарқ билан, бой тарихий мерос ҳақида аниқ тасаввур берадиган маҳобатли обидалар, ажойиб меъморий ансамбллар билан учрашувдир», дея таъкидлайди.

Шуниси эътиборга моликки, мазкур мақолада Ўзбекистон шаҳарларининг гўзалликда бетакрор ва кўркамлиги ўзининг аниқ-равшан ифодасини топгани баробарида мамлакатимизнинг бой маданий, илмий ва диний мероси ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилган.

Хусусан, муаллиф Самарқанд ҳақидаги мулоҳазаларини баён этар экан, мовий гумбазлари шаҳарнинг ўзига хос ташриф қоғози бўлиб қолган ҳамда машҳур саркарда ва давлат арбоби Амир Темур салтанати даврига оид қатор меъморий ансамбллар ушбу ажойиб қадимий шаҳарнинг қоқ марказида қарор топганини алоҳида қайд этади.

Залина М.Сом Самарқандда санъат, адабиёт, меъморчилик ва илм-фан тараққиёти тарихига эътибор қаратгани ҳолда нашр ўқувчиларига жаҳонга машҳур Регистон майдонини бориб кўришни тавсия қилади. «Зеро, уни ўз кўзингиз билан кўрмай туриб, Самарқанднинг бутун маҳобати ва улуғворлигини тасаввур қилишингиз мумкин эмас», деб ёзади у.

Муаллиф Самарқанд шаҳрида Улуғбек расадхонаси, бутун дунёга донғи кетган Шоҳи Зинда мажмуи, Бибихоним масжиди каби кўплаб тарихий обидалар мавжудлиги ва уларнинг барчаси гўзалликда бетакрорлиги боис қайси бирини «энг ажойиб ёдгорлик», дейишга қийналиб қолиш турган гап эканлигини ҳам газетхонларга маълум қилади.

Залина М.Сом кўҳна ва шариф шаҳар Бухоро ҳақидаги таассуротларини қаламга олар экан, «бу шаҳар кутилмаган совғаларга тўла эканлиги»ни қайд этади. «Бухоро, энг аввало, ўзига хос ҳамда бетакрор қизғиш-жигар, мовий ва яшил ранглар жилосида, шунингдек, эски шаҳар қисмида қарор топган ғиштин биноларнинг гўзал жимжимадор нақшларида намоён бўлади», деб ёзади у.

Унинг фикрича, шаҳар бўйлаб сайр, айниқса, Сомонийлар мақбараси зиёрати, Лаби ҳовуз ва бу бетимсол маскан атрофида жойлашган тарихий осори-атиқалар билан танишув кишига катта завқ-шавқ бахш этади.

Муаллиф Ўзбекистоннинг бош кенти — азим Тошкент шаҳри ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини «New Straits Times» газетаси ўқувчилари билан ўртоқлашар экан, мазкур «мегаполисда ўтмиш ва замонавийлик жуда уйғунлашиб кетганини» алоҳида қайд этади. Унинг таъкидлашича, Тошкент қатор тарихий обидалардан ташқари, кўплаб чиройли ва замонавий иншоотлар, бино ва кенг кўчаларга, гўзал ва шинам боғу хиёбонларга, ҳашаматли ресторан ва турли миллий емакхоналарга ҳам бойдир. «Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган давр мобайнида қай даражадаги ижобий ўзгаришларни касб этганини Тошкент мисолида ҳам кўриш мумкин», деб ёзади у.

Залина М.Сомнинг қайд этишича, мустақилликка эришгандан буён Ўзбекистон ҳукумати халқнинг ўтмиши, маданияти, урф-одат ва анъаналари қайта тикланишига, шунингдек, мамлакат бағрида жойлашган тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни тиклаш ва таъмирлашга, республикада яшайдиган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг ўзаро тинчлик ва ҳамжиҳатликда истиқомат қилишларига алоҳида эътибор бериб келади. Муаллиф эътироф этганидек, «Ўзбекистонда тарихий шаҳарларни обод қилиш, сайёҳлик инфратузилмасини замон талаблари даражасида ривожлантириш, саёҳатчилар учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш давлатнинг устувор вазифалари сирасига киради».

Юқоридагилардан ташқари, ўзбек халқининг ўзига хос маданияти ва анъаналари ҳақида газетхонларга маълумот етказиш ҳам муаллифнинг эътиборидан четда қолмаган. Халқимизнинг меҳмондўст, самимий ва очиқ кўнгиллигини алоҳида қайд этар экан, «бу халқнинг юксак маданияти инсонларнинг ўзаро муносабатларида, ёши катталар ва аёлларга нисбатан кўрсатиладиган ҳурматда намоён бўлади», дея ўз фикрини якунлайди малайзиялик журналист.

**«Жаҳон» АА**
**Куала-Лумпур**

Қарор ва ижро

# УМРИГА УМР ҚЎШИЛАЁТГАН АЁЛЛАР

***Мутахассисларнинг маълумотига кўра, кейинги йилларда сайёрамизда аёллар ўртасида саратон хасталиги кўпайиб бормоқда. Ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтмаслик, дунёнинг айрим ҳудудларида тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятининг йўқлиги, тиббий маданият пастлиги бунга сабаб бўлаётир. Бу инсоният келажаги ва жамият тараққиётига жиддий таъсир кўрсатмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, жамиятимиздаги фаоллигини ошириш, саломатлигини асраш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Бу борадаги ишлар бераётган юксак самаралар давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам ўз ифодасини топди. 2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланди.

Дарҳақиқат, аёллар саломатлигини муҳофазалаш – соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади. Зеро, аёл оила ва жамият таянчи, келажак наслар давомчисидир. Бу борада қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш ва жаҳон андозалари даражасида тиббий хизмат кўрсатишга йўналтирилган уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. Шошилинч тиббий ёрдам ва ихтисослашган тиббий-илмий марказлар фаолияти кенг йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалашда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Соғлом она – соғлом бола» концепцияси муҳим аҳамият касб этаётир. Пойтахтимизда 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари бўлиб ўтган халқаро симпозиумда юртимизда бу борада эришилаётган натижаларга юксак баҳо берилди. «Соғлом она ва соғлом бола – бу келажак авлодлар камолга етишининг энг тўғри йўлидир. Бу соғлом жамият барпо этиш ва ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказиш кафолатидир. Ўзбекистон бу борада ўзининг оқилона стратегияси, сиёсати ва устувор йўналишларини белгилаб олган», деб таъкидлади Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ушбу анжуманда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йилда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари ушбу йўналишдаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришда муҳим омил бўлаётир. Жумладан, ўсмир қизлар ва туғруқ ёшидаги аёлларни ҳар йили чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари йўлга қўйилди. Тиббий кўрик жараёнида аниқланган хасталикларни ўз вақтида соғломлаштириш тадбирлари ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Ҳомиладор аёлларни таркибида шифобахш моддалар мавжуд поливитаминлар билан бепул таъминлаш амалиёти ҳам юксак самаралар бераётир. Бундай кенг кўламли тадбирлар аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзандни дунёга келтиришда муҳим омил бўлаётир. Бунинг натижасида аёлларда экстрагенитал касалликлар кўрсаткичи ва она-бола ўлими кескин камайди. Аҳолининг, хусусан, аёлларнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи узайди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш, хотин-қизларнинг саломатлигини асраш билан боғлиқ бундай кенг кўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар, шунингдек, хусусий тиббий муассасалар ҳам фаол иштирок этмоқда. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Аёллар саломатлик маркази улардан бири.

2000 йилда ташкил этилган ушбу тиббиёт маскани аҳолига юқори малакали хизмат кўрсатиш, юксак технологиялар асосида ташхис қўйиш ва даволаш, жаҳон тиббиётининг энг сўнгги янгиликларини амалиётга татбиқ этиш, тиббиёт илмини ривожлантириш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини оширишга кўмаклашиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда давлат дастурларида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида самарали фаолият юритмоқда. Ўттиз нафардан зиёд малакали врач ва ҳамшира хизмат кўрсатаётган шифо масканида ҳар куни ўттизга яқин бемор қабул қилинади. Тиббиёт масканида гинекология соҳаси билан бир қаторда терапия, педиатрия, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари ва стоматологик диагностика ва даволаш ҳам йўлга қўйилган.

Шифохонада ҳомилага ва хасталикларга юқори аниқликда ташхис қўйиладиган замонавий ультратовуш таҳлил аппарати, гинекологик касалликларни аниқлайдиган колпоскоп, лаборатория таҳлил воситалари, болалар ва оиланинг барча аъзоларини тиббий текширувдан ўтказадиган диагностика воситалари мавжуд. Аёллар саломатлик марказига келган бемор дастлаб чуқур тиббий кўрикдан ўтказилади ва зарур ҳолатларда стационар шароитда муолажа қилинади.

Аёллар саломатлик маркази мамлакатимизда ташкил этилган дастлабки хусусий тиббиёт муассасаларидан биридир. Унинг фаолиятини йўлга қўйиш ва такомиллаштиришда халқаро тажриба чуқур ўрганилди. Бир нечта шифокор ва ҳамшира ўз соҳаси билан бир қаторда тиббиёт менежменти тизимини ўрганиш мақсадида хорижда малака ошириб келди. АҚШ, Франция, Исроил каби мамлакатларда илғор тиббий технологиялардан фойдаланиш услублари ўзлаштирилди.

Марказ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда соғлиқни сақлашга оид давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳам фаол ҳисса қўшмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮСАИД лойиҳаси доирасида пойтахтимизда ва Фарғона вилоятида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, аёлларда учрайдиган ўсма, жинсий йўл билан тарқаладиган касалликлар профилактикаси бўйича шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан ўқув-услубий ва тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

– Аёлларда учрайдиган онкологик касалликларнинг олдини олишда бирламчи скрининг текшируви муҳим аҳамият касб этади, – дейди ЎзА мухбирига Аёллар саломатлик маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди Дилмурод Юсупов. – Бу касалликлар кўпроқ ёши элликдан ошган аёлларда учрайди. Чунки бу ёшда аёл организмида ўзига хос физиологик ўзгаришлар рўй беради. Унга эътиборсиз бўлиш жиддий асоратлар қолдириши мумкин. Илгари шундай ёшдаги аёлларни тиббий кўрикка жалб этишга эътибор қаратилмас, уларнинг ўзи ҳам ўз соғлиғига масъулият билан ёндашмас эди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда тиббий-профилактика тизими тобора ривожланаётгани бу хасталикни эрта босқичларда аниқлаш ва унинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Мазкур ёшдаги аёлларнинг тиббий кўрикдан ўтиш учун мунтазам мурожаат қилаётгани мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи ва тиббий тарғибот тизимида эришилаётган ютуқлардандир.

– Ёшим эллик саккизда, – дейди Зангиота туманидан келган Нуржаҳон Собирова. – Кейинги пайтларда тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолган эдим. Бунинг сабабини билиш ва соғлиғимни тиклаш учун Аёллар саломатлик марказига келдим. Бу ерда замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида чуқур текширувдан ўтказишди. Бир неча кундан буён муолажа оляпман. Ҳозир аҳволим яхши. Ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиш ва даволаниш узоқ умр гарови экан. Аёллар саломатлигини асраш учун давлатимиз томонидан яратилаётган бундай кенг имкониятлар умримизга умр қўшмоқда.

Марказ шифокорлари даволаш ишлари билан бирга Тошкент тиббиёт академияси олимлари билан ҳамкорликда репродуктив саломатликни асраш ва онкогинекологиянинг долзарб масалалари бўйича илмий-тадқиқот ҳам олиб бормоқда. Янги ихтиролар диагностика ва даволаш ишлари сифатини оширишда ўз самараларини бермоқда. Мустаҳкам оила йилида бу борадаги илмий ва амалий ишларни кенгайтириш мақсадида давлат, нодавлат ташкилотлар, тиббий-илмий марказлар билан ҳамкорликда аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга оид қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бу мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини ошириш ва аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган доимий ва улкан эътиборнинг амалдаги самараларидандир.

**Баҳор ХИДИРОВА**



*Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловида фаол иштирок этиб, бир неча бор ўзларининг янги лойиҳалари билан ғолибликни қўлга киритиб келаётган «Tadbir» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари қарийб ўн йиллик фаолиятлари давомида ички бозордан муносиб ўрин топишди. Уларнинг «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан ишлаб чиқараётган трикотаж маҳсулотлари ўзига хос дизайни ва сифати билан ажралиб туради.*

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

Транспорт

# САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР

***Поездлар ҳаракати хавфсизлиги, манзилига белгиланган вақтда етиб бориши, бекат навбатчиларининг бир-бири билан ўзаро боғланиб туришини таъминлаш сигнализация ва алоқа маркази фаолиятига боғлиқ. Бундай жараёнлар «Ўзбекистон темир йўллари» миқёсида изчил амалга оширилмоқда.***

Темир йўл компанияси тасарруфидаги сигнализация ва алоқа маркази ҳамда унинг ҳудудлардаги тармоқлари зиммасига юклатилган вазифалар кенг кўламли бўлиб, навбатчи қисмлар узатаётган ахборотларга ҳам боғлиқдир. Шу сабабли темирйўл линияси бекат ва навбатчилик қисмларида сигналлаштиришга масъулият билан ёндошилмоқда.

Бугунги кунга келиб компания алоқа тизимлари тўлиқ компьютерлаштирилди. Хабарлар ва маълумотлар жойларга тез фурсатда узатилмоқда. Темир йўл телекоммуникация қурилмаларини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида ҳам самарали изланишлар олиб борилмоқда. Телекоммуникацияларни замонавийлаштириш лойиҳаси асосида эса «Келес-Тошкент-Бухоро» участкаларида оптик-толали алоқа линияси ишга туширилди.

Ушбу линияда энг замонавий ускуна негизида магистрал ва эски м-60 русумдаги шнурли коммутаторлар тугатилиб, уларнинг ўрнига янги замонавий «Гранит-Т» русумли компьютерлар ўрнатилди. Рақамли янги тезкор-технологик алоқа коммутация станциясининг ишга туширилиши поездлар ҳаракатини бошқариш ва радиоалоқани яхшилаш имконини берди. Бу эса ҳаракат хавфсизлигини оширишга олиб келди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

Иқтисодиёт

# СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***Ишлаб чиқариш суръатини ошириш ва маҳсулотнинг сифатини таъминлашда бугунги кун талаблари даражасидаги технологик ускуналарнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, улардан самарали фойдаланиш ютуқларга гаров бўлади.***

Шу боис ҳам ташкил этилганига эндигина икки йил бўлган «Makro Vit» хусусий корхонасида янги дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилишига, бунинг натижасида маҳсулот турларини кўпайтиришга, ёшларни иш билан таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

— Илк фаолиятимизни 10 нафар малакали мутахассисни жамлаган ҳолда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, гўшт ва колбаса маҳсулотлари тайёрлашдан бошлаганмиз. — дейди корхона директори Виктор Урбанович. — Ҳозирда эса бозор талаблари асосида изланишларимиз ўз самарасини бериб ишчиларимиз сафи 20 нафардан ошди. Маҳсулотларимиз сифати ва турларини ошира бориб, ҳар йили кўплаб корхона, ташкилот ва савдо шохобчаларига уни шартнома асосида етказиб бермоқдамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам яратилган имкониятлар самарасини, албатта фаолиятимизда яққол кўришни мақсад қилган ҳолда янги лойиҳалар устида иш олиб бордик ва натижа яхши бўлди.

Корхона цехларига янги технологик линияларни ўрнатиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришда банкдан олинган кредит маблағи тадбиркорларга қўл келди. Эндиликда эса жамоа аҳли хом ашёни ҳам ўзлари тайёрлаш мақсадида истиқбол режаларини белгиламоқда. Бунинг учун эса олинган фойда, яъни ўз маблағлари ҳисобидан чорва молларини харид қилиш, улар учун озуқа экинларини етиштириш мақсадида ер майдонига эга бўлиш сингари йўналишлар устида иш олиб боришмоқда. Ниятлар амалга ошса, ишлаб чиқариш жадаллашуви баробарида сифатли маҳсулот турлари ҳам кўпаяди.

# ШОГИРДЛАРИ САФИ ОРТАДИ

***Мустақиллик берган имконият самараси ўзбек миллий ҳунармандчилиги ривожида ҳам яққол кўзга ташланмоқдаки, қўли гул усталаримиз маҳорати билан яратилган ҳақиқий санъат даражасидаги ҳунармандчилик буюмларига хориждан ҳам буюртмалар кўпаймоқда.***

Ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари орасида сомон санъатининг ҳам ўз ўрни бўлиб, яратилаётган маҳсулот ва буюмлар жозибаси билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Сомон санъати усталари орасида ёш ҳунарманд Анвар Назаровнинг ҳам ўз услуби бўлиб, у бир қатор халқаро ярмаркаларда фаол иштирок этган, «Ташаббус» кўрик-танловида маҳоратини намойиш қила олган.

— Айни пайтда устозларимдан ўрганганларимни мазкур йўналишга қизиққан ёшларга ҳам кунт билан ўргатиб бораяпман, — дейди Анвар Назаров. — Бугунги кунга келиб шогирдларимнинг сони 15 нафардан ортиб кетди. Улар билан биргаликда оддий сомон хом ашёсидан фойдаланган ҳолда, миниатюра, карикатура, манзара ва тарихий асарларга мурожаат қилиб кўплаб маҳсулотлар яратмоқдамиз. Биз ҳунармандларга яратилган шарт-шароит ва имтиёзлардан унумли фойдаланмоқдамиз. Бу ишимиз ривожини, ижодимиз равнақини таъминламоқда.

Келажакда ўзбек сомон санъати йўналишини дунё миқёсига олиб чиқишга интилаётган Анвар Назаров Россия, Қозоғистон, Туркманистон сингари давлатларда ўтказилган кўргазмаларда ўз ижод намуналари билан иштирок этмоқда. У бу йил 30 нафар шогирдга устозлик қилишни ният қилган.

# ХАРИДОР ДИДИГА МОС

***Бугунги кун талабига мос, харидор диди ва эҳтиёжига хос маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этган корхоналар, албатта бозорда муносиб ўрин топади.***

Бунинг учун эса пухта режа асосида бозорни ўрганган ҳолда имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим. Маҳаллий хом ашё ҳисобига трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ички бозоримизда уларнинг рақобатбардош турлари кўпаймоқда. Муҳими, мазкур кийим-кечаклар четдан келтириладиган худди шундай товарлар ўрнини босмоқда. Бу борада кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг изланишлари яхши натижа бермоқда.

Ҳозирда 12 нафар малакали мутахассис жамланган «Ziynat Tekstil Servis» масъулияти чекланган жамиятида эркаклар ва болалар учун турли моделдаги устки кийимлар тикилмоқда. Цехларга ўрнатилган Японияning тикув дастгоҳлари маҳсулотлар сифатини таъминлашга хизмат қилади. Сифатли матоларни эса улар пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган тўқимачилик корхоналаридан олишади.

Ўтган йилда чеварлар томонидан 20 хилдан зиёд маҳсулот турлари харидорларга тортиқ этилган бўлса, уларнинг 10 тури янги моделдаги кийим-кечаклардир. Асосийси, бозорларимиздаги импорт маҳсулотлар билан ҳар томонлама рақобатлашаётган мазкур товарлар уларга нисбатан бирмунча арзондир. Бу эса харидор эҳтиёжи ҳам ҳисобга олинаётганидан далолат беради. Жорий йилда маҳсулот турлари янада кўпайишига эришилади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

